O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Тошкент оқшоми

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 96 (9.134) * 1998 йил 17 август, душанба * Сотувда эркин нархда

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

БУГУНГИ КУН НАФАСИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИГА ТАШРИФИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов вилоятда юз бераётган ўзгаришлар ва амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижалари билан танишиш мақсадида 15 август куни Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди.

Президент Ислом Каримов бу ерда бўлган чоғида вилоят меҳнаткашларининг истиқлол байрамини муносиб кутиб олиш борасида амалга ошираётган ишлари билан яқиндан танишди. Бинобарин вилоятда юз бераётган ўзгаришларни Термиз шаҳри мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Шаҳар марказида бунёд этилган Марказий бозор вилоят меҳнаткашларининг Мустақиллик байрамининг етти йиллик шодиёналарига муносиб совғасидир. Йўлбошчимиз бозор расталарини кўздан кечириб, деҳқон ва сотувчилар ҳамда харидорлар билан суҳбатда бўлди, уларнинг фикр-ўйлари билан қизиқди, турмуш тарзлари, кайфиятлари ҳақида сўраб ислоҳотларни янада жадаллаштириш борасида қимматли маслаҳатларини берди.

Бугун Сурхондарёда, хусусан Термиз шаҳрида ҳаёт ўз маромида кетмоқда. Албатта қўшни Афғонистонда бўлаётган воқеалар вилоят меҳнаткашларини ҳам бефарқ қолдирмаяпти. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари бу ерда бўлган чоғида меҳнаткашларга мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам сўзлаб берди. Президент Ислом Каримов Афғонистон билан Ўзбекистон чегарасидаги божхона мажмуи билан танишди, Ҳайратон кўпригида бўлиб, бу ерда халқимиз хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди. Давлатимиз раҳбари чегарачиларимизнинг шароитлари, уларнинг кайфиятлари билан қизиқди, мамлакат чегаралари дахлсизлигини сақлаш учун туну кун зийраклик билан ўз бурчларини аъло даражада бажараётган чегарачиларимизга ўз маслаҳатларини берди.

Бугунги кунда Афғонистондаги вазият ҳеч бир кишини лоқайд қолдириши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам Президентимиз ўз ташрифларининг якунида оммавий ахборот воситалари ходимларининг саволларига жавоб берар экан бу мавзуга алоҳида тўхталди. Шу билан давлатимиз раҳбарининг Сурхондарё вилоятига ташрифи якунланди.

Президент Ислом Каримовнинг Сурхондарё вилояти бўйлаб ташрифи чоғида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Сурхондарё вилояти ҳокими Жўра Норалиев ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилдилар.

Шу куни давлатимиз раҳбари Тошкентга қайтиб келди. Пойтахт аэропортида Президент Ислом Каримовни Бош вазир Ўткир Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Ўзбекистон Мустақиллигининг етти йиллиги олдидан

ИСТИҚЛОЛ КОШОНАЛАРИ

Еттинчи ҳикоя

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

1996 йилнинг 19 март куни мустақил республикамиз бўйлаб яна бир қувончли хабар тарқалди. Худди шу куни пойтахтимиз марказидаги мазкур бино — давлат филармонияси концерт зали ўрнида республика биржа маркази очилди. Биринчи бўлиб Президентимиз Ислом Каримов энг замонавий техника, компьютерлар ва МДҲда ягона бўлган табло кўрсаткичи билан жиҳозланган ушбу марказ билан яқиндан танишди, мутахассислар билан суҳбатлашди.

Ўшандан бери орадан икки йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Бу давр мобайнида бу кошонага неча-неча мўътабар инсонлару, тадбиркор ва ишбилармонларнинг қадами етмади, ҳожати чиқмади дейсиз.

Бугун шу ҳақда ўйлай туриб беихтиёр замини зар, тупроғи олтин Ўзбекистонимизни чарақлаб турган бир бутун қуёшга ўхшатгим, унинг ҳудуди бўйлаб ниҳоятда тез қад кўтараётган улкан биноларни, маданий-маиший иншоотларни эса мовий осмонимизда порлаб турган ёрқин юлдузларга қиёслагим келади. Республика биржа маркази эса ана шу юлдузларнинг энг чароғони сифатида пойтахтимиз ҳуснига ҳусн қўшиб турибди.

Бу фикримизни марказга қадам ранжида қилган ватандошларимиз, ҳатто хорижий меҳмонлар ҳам тасдиқлашди. Шу куни бу ерда франциялик бир гуруҳ меҳмонлар билан учрашиб қолдик. Улар салобатли ва муҳташам бино ва унинг хизмати билан яқиндан таниша туриб: «Бу кошона Шарқнинг яна бир машъали» бўлганлигини тан олишди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозир бизнинг тилимизда мулк эгаси, мулкдор, тадбиркор, ишбилармон деган сўзлар тез-тез такрорланадиган бўлиб қолган. Ахир бир тасаввур қилиб кўринг. Бундан етти йил олдин бу сўзларнинг биронтасини баралла айтиб бўлармиди? Ўшанда ҳаммамиз (бизда мулкдорлар йўқ эди) тенг ҳуқуқлилар даврасида, «тенг ҳуқуқли» эдик. Истиқлол шарофати билан бу «ақида»га хайриятки путур етди. Мустақиллик ўз меваларини бера бошлади. Бизда ҳам мулкдорлар, тадбиркорлар, ишбилармонлар пайдо бўла бошлади. Энди ҳеч шубҳасизки, уларнинг бошини бир жойга қовуштирадиган марказ бунёд этиш лозим эди. Буни даврнинг ўзи тақозо эта бошлади. Натижада кўп изланишлар ва баҳслардан сўнг республика биржа маркази дунёга келди.

— Бизга ҳар томонлама қулай бўлган шундай улкан бинони таъмирлаб, янгилаб берган қурувчилар ҳимматига ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди, — дейишади марказ хизматчилари. — Илгари ўзимизнинг мустақил биноимиз йўқ эди. Шаҳримиздаги кўчаларнинг биридаги ночор бинода ижарада ўтирар эдик. У ерда йиғилишлар, кимошди савдоларини ўтказиш учун мутлақо шароит йўқ эди. Ҳукуматимиз ғамхўрлиги туфайли мана шундай ҳар томонлама қулай бинода фаолият кўрсата бошладик.

Эзгуликнинг кечи йўқ, деганларидек, бугун Марказий Осиёда ягона ҳисобланган бу бинони бунёд этишда қатнашган қурилиш ташкилотлари номини яна бир бор тилга олгимиз келади. Улар орасида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги қурилиши, республика хўжаликлараро қурилиш ташкилотлари, «Демир» фирмаси бунёдкорлари бор. Шунингдек бино қурилишида шаҳримиздаги «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси», «Оникс» ва «Ўзэлектроаппарат» ҳиссадорлик жамиятлари жамоаларининг муносиб улушлари бор.

Келинг, ҳурматли оқшомхон, сиз билан биргаликда бино бўйлаб саёҳат қилайлик. Унда бир-бири билан боғлиқ учта марказ жойлашганки, зеро уларни алоҳида-алоҳида тасаввур этиш қийин. Масалан, энг юқори учинчи қаватдан Ўзбекистон Республикаси кўчмас мулк биржаси ўрин олган бўлса, иккинчи ва биринчи қаватларда Республика «Тошкент» фонд биржаси ва «Вақт» миллий депозитарийси жойлашган. Агар кўчмас мулк биржаси давлат ва жамоат мулкларини хусусийлаштириш билан шуғулланса, «Тошкент» фонд биржаси қимматли қоғозлар савдосини йўлга қўяди. «Вақт» миллий депозитарийси эса қимматли қоғозларни сақловчи хазина ҳисобланади. У фонд биржалари, банклар билан алоқада бўлади. Унинг ёрдамида ҳар бир ҳиссадорлик жамияти қимматли қоғозлар ҳаракати тўғрисида ахборотларни тезкор усулда олиш имкониятига эга бўлади.

Замонавий жиҳозлар билан безатилган эълонлар, ва кимошди савдоларини ўтказиш бўлимига кирамиз. Хонадан барча керакли техникалар ўрин олган. Рўпарадаги компьютерда яқинда кимошди савдосига қўйиладиган мажмуалар рўйхати акс этиб турибди. Бўлимнинг асосий вазифаси тадбиркор ва бизнесменларга қулайлик яратишдан иборат.

Айтайлик сиз Бухородан меҳмонхона сотиб олмоқчисиз. Бунинг учун бу ерга бир неча бор бориб келишингиз шарт эмас. Шу ҳақдаги тегишли ҳужжатларни биржага топширсангиз ишингиз битди ҳисоб. Фақат кимошди савдоси куни, яъни бахтингиз кулиб боқадиган куни у ерга ташриф буюрасиз, холос.

Республика кўчмас мулк биржаси давлат ва унинг жамоа мулкларини хусусийлаштириб беришга хизмат қилади. Масалан корхона, меҳмонхона, ресторан, қурилиши тугалланмаган иншоотлар, банкротга учраган корхоналар, ёнилғи қуйиш шохобчалари, ер участкаларини шахслар томонидан сотиб олинишида воситачилик ролини ўйнайди.

Ҳозир биржада 40 дан ортиқ мутахассис ишлаб турибди. Бундан ташқари турли вилоятларда ва Тошкент шаҳрида унинг 14 та шохобчаси бор. 57 та брокерлик идораларида ўз ишига садоқат билан ёндошадиган кишилар ўтиришибди. Марказда брокерлар учун барча зарур қулайликлар яратилган. Бинонинг биринчи қаватида нотариал идораси ишлаб турибди.

Биржанинг кимошди савдоси, турли учрашувлар, матбуот йиғилишлари ўтказиладиган зали ҳар томонлама бежирим ва қулай. Салобати билан улкан кошонани эслатадиган бу зал чет эл жиҳозлари билан таъминланган. Бу ерда юздан ортиқ брокерлик ўрни ва мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти билан алоқа ўрнатиш учун алоҳида ўринлар бор. Ҳар бир ишчи ўрни биттадан компьютерга эга.

Зал тўрида катта табло ва экран жойлашган. Таблонинг бўйи 10 метр, эни 1 метру 60 сантиметрни ташкил этади. Унда кимошди савдосига тўпланган тадбиркор ва бизнесменлар учун зарур маълумотлар қайд этиб турилади. 3 ва 4 метрли экранда эса сотувга қўйилган жой ёки мажмуанинг видеотасвири акс этади. Шу кунгача бу ерда уюштирилган тадбирларни бирма-бир санаб ўтиш қийин албатта. Лекин уларда кўплаб тадбиркор ва бизнесменлар ўз ҳожатларини чиқарганлари аниқ. Сўзимиз охирида айтмоқчимизки, юртимиз ҳамиша обод бўлаверсин, унинг бойлигига бойлик қўшадиган мулкдору, тадбиркорлар кўпаяверсин, Мустақиллигимиз шарофати ва давр тақозоси ила бунёд этилаётган кошоналар сони йил сайин ортаверсин.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.
Рустам Шарипов олган суратлар.

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Вазирлар Маҳкамасида Давлат кадастри бўйича идоралараро комиссия мажлиси бўлиб ўтди. Мазкур йиғилишда Давлат кадастр дастурини амалга ошириш бўйича ҳукумат қарорлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

● Чирчиқдаги трансформатор заводида паст кучланишли трансформаторларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

● Мўйноқ туманидаги Шеге овули болаларининг қувончи чексиз. Улар ўқув йилини 600 ўринли янги мактабда бошлайди. Мамлакат Мустақиллигининг етти йиллиги арафасида Қўнғирот сода заводи ишчилар шаҳарчасида, Бузатов, Нукус, Элликқалъа туманлари ва Нукус шаҳрида ҳам янги мактаблар очилади.

● Аввал хабар берганимиздек, пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон Мустақиллигининг етти йиллигига бағишланган республика «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Кеча Халқлар дўстлиги саройида қўшиқ байрами кўрик-танлови ғолиблари, совриндорлари, Ўзбекистон санъат усталари ва ижрочи ёшларининг катта концерти ўтказилди.

● Пойтахтимиздаги йирик маҳаллалардан бири бўлмиш «Ўриксор» маҳалласида республика Мустақиллик куни арафасида 15 минг рақамли янги автомат-телефон станцияси фойдаланишга топширилади.

● Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқи Кения ва Танзанияда Америка Қўшма Штатларининг элчихоналарига қарши ваҳшиёна ҳаракатлар натижасида ҳалок бўлганларнинг оилаларига чуқур ҳамдардлик билдиради, дейилади Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг баёнотида.

● Эркаклар ўртасида теннис бўйича халқаро «Челленжер» турнири эндиликда Самарқандда ҳам ўтказиладиган бўлди. Октябрь ойида ўтказиладиган ушбу халқаро мусобақа «Ай-Ти-Пи» компанияси ва вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилмоқда.

ЖАҲОНДА

● Люксембург парламенти Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасидаги Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни ратификация қилди.

● Ҳар тўрт йилда бир марта ўтказиладиган анъанавий Жаҳон кўргазмасида дунёнинг 175 давлати қаторида Ўзбекистон ҳам қатнашадиган бўлди.

● Зимбабведаги сайёҳлар шаҳарчасида Замбия, Танзания, Уганда, Намибия, Руанда ва Конго давлатлари бошлиқларининг учрашуви муваффақиятсиз тугади. Улар Конго Демократик Республикасидаги қуролли можаролар юзасидан бир тўхтамга кела олмадилар.

● Белоруссия тадбиркорлик ва инвестициялар вазирлиги ҳамда Исроилнинг кичик бизнес ишлари бўйича бошқармаси тадбиркорлик, инвестициялар ва кичик бизнесни ривожлантириш соҳасидаги битимни имзолади.

● Қозоғистондаги энг йирик корхоналардан бири ҳисобланган Павлодар трактор заводининг қарзи 40 миллион АҚШ долларига етди. Корхонада 23 минг иш ўрни мавжуд. Завод маъмурияти мамлакат ҳукумати билан келишган ҳолда заводнинг айрим жиҳозларини кимошди савдосида сотишга қарор қилди.

● Украина пойтахти — Киев шаҳрининг марказий кўчаси — Крешчатик таъмирлашдан сўнг расман очилди. Таъмирлаш ишларига 15 миллион доллар сарфланди.

● 1 сентябрдан бошлаб Қримда чегара режими жорий қилинадиган бўлди. Украина ҳукуматининг қарорига кўра чегара режими жумладан Севастополь, Ялта, Феодосия, Керчь, Евпатория ва Алуштада ўрнатиладиган бўлди.

● АҚШ маъмурияти ҳам Афғонистонда юз бераётган воқеалардан ташвиш билдирмоқда. «Биз Афғонистонда содир бўлаётган воқеаларни диққат билан кузатиб бормоқдамиз, бироқ афсуски, Афғонистондаги жанговар ҳаракатларни бевосита кузатиб бориш имконига эга эмасмиз», деди Давлат департаменти вакили. Шунингдек, у Афғонистонда қурол кучи билан тинчлик ўрнатиб бўлмаслигини таъкидлаб, АҚШ маъмурияти бу борада Ўзбекистон ва Россия илгари сураётган ташаббусларни қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

● Жазоир хавфсизлик кучлари мутаассиб ислом гуруҳининг 25 нафар аъзосини маҳв қилдилар.

● Американинг Миссури штатида ғалати парад ўтказилди. Унинг ҳамма қатнашчилари қиёфадошлардан иборат эди.

● Юқори синфларда ўқийдиган ҳар беш нафар америкаликдан биттаси ўзи билан қурол олиб юради.

● Япониянинг Ниигата шаҳридаги хусусий фирманинг 12 нафар ходими заҳарланган чой ичиши натижасида вафот этди. Бундан икки ҳафта муқаддам худди шундай заҳарланиш натижасида Вакаямэ шаҳрида ўтказилган ёзги байрам пайтида 4 одам ҳалок бўлиб, 40 дан зиёд киши касалхонага ётқизилган эди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

• Иқтисодиёт • Ижтимоий соҳа • Маданият

ИККИНЧИ ДАВРА ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНДИ

Футбол бўйича олий лига командалари ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг иккинчи давра ўйинлари бошланди.

Мусобақада карвонбошилик қилаётган «Пахтакор» командасининг куни кеча ўртоқлик учрашувлари ўтказиш учун Таиландга жўнаб кетган Ўзбекистон миллий терма командаси таркибига бирваракайига 10 нафар ўйинчисини берганлиги боисидан «Бухоро» футболчилари билан учрашуви анча кечки муддатга сурилди.

Урганчда маҳаллий «Хоразм» командасига қарши майдонга тушган Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари майдон эгаларини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, тўплаган очколари бўйича пахтакорчилар билан тенглашиб олдилар.

Наманганда маҳаллий «Навбаҳор» командасига қарши майдонга тушган МҲСК жамоаси имкониятни 1:6 ҳисобида бой берди. Жиззах футболчилари ўз майдонларида «Темирйўлчи» устидан 5:2 ҳисобида ғалаба қозондилар. «Сурхон» ва «Зарафшон» жамоалари «Андижон» ва «Дўстлик» футболчиларини қабул қилиб 3:1 ҳисобида ғалабага эришдилар. Косонсойда бўлган ўйинда «Насаф» футболчиси Шуҳрат Тошпўлатовнинг ўйиннинг 88-дақиқасида киритган ягона тўпи қаршиликларга 3 очко келтирди. Бекободда маҳаллий «Металлург» Тошкентнинг «Трактор» командасини қабул қилди. Учрашув 3:3 ҳисобида тугади.

Ўн еттинчи тур ўйинлари 19 ва 20 август кунлари бўлиб ўтади.

(Ўз мухбиримиз).

ЯНГИЛИКЛАР • ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР

Мустақиллик майдонидаги суҳбат

БУГУНГИ КУНЛАРИМИЗ ШУКРОНАСИ

Юртимиз Мустақиллигининг 7 йиллик байрами яқинлашиб келаётган айни дамларда ҳамшаҳарларимиз руҳида, кайфиятида ўзгача бир шукуҳ, ўзгача кўтаринкилик ҳукмрон. Уларнинг қалб сўзларини билиш мақсадида пойтахтимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонида ҳамшаҳарларимизга «Истиқлол сизга нима берди?» дея савол бердик. Қуйида улардан айримларининг жавобларини келтирдик.

Омонулла АЛИЕВ, «Кичкинтой» фирмаси раҳбарининг ўринбосари:

— Фирмамиз болалар кийим-кечакларини ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Мустақилликка эришишимиздан олдин ҳам шу соҳада ишлардим, аммо у дамлардаги шароит бошқача эди. Ишлаб чиқаришда сифат эмас, сон эътиборда бўлгани сабаб бир хил маҳсулотни уюб ташлардик, сотилиши ўйланмасди. Бундан ташқари яхши ишлаган ҳам, ёмон ишлаган ҳам бир хил маош олар, бу эса иш самарадорлигини пасайтирарди. Бугунги кунда эса фирмамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг тенг ярми буюртмачиларга кетмоқда, қолгани савдо ташкилотларига берилаётир. Ишчиларнинг маоши эса уларнинг қобилиятига, меҳнати самарасига қараб тўланмоқда. Бир сўз билан айтганда, мустақиллик бизга бозор иқтисодиёти шароитида ишлашни, фаровон яшаш учун сидқидилдан меҳнат қилиш лозимлигини ўргатди.

Саломат АЪЗАМОВА, Тошкент молия институти талабаси:

— Мен деярли ҳар куни ана шу майдондан ўтиб Алишер Навоий номли кутубхонага бораман. Ҳар сафар шу ерда қўр тўкиб турган истиқлолимиз рамзига кўзим тушганда бир қувониб қўяман. Биз ёшларга мустақиллик замонида яшаш насиб этди. Бу эса илмга чанқоқ талабаларга хорижнинг нуфузли олий ўқув юртларида ўқиш имконини пайдо қилди. Гарчи ҳозир таътил кунлари бўлса-да ўқиш-ўрганишдан тўхтамадим. Мақсадим — келаси йил чет элда таҳсил олиш учун давлат грантини қўлга киритиш.

Азимжон ВАФОЕВ, 3-автокорхона ҳайдовчиси:

— Биласизми, инсон фақат бугунги куни билан яшамайди. Қолаверса унинг ҳаётидаги ўзгариш фақат моддий неъматлар билан белгиланмайди. Мен учун мустақиллик берган энг катта неъмат дунёқарашнинг, ҳаётга бўлган муносабатнинг ўзгариши бўлди. Ахир биз буюклар авлодидан эканлигимизни энди дилдан ҳис эта бошладик-да. Бу истиқлол шарофатидан улуғ бурилишлар ҳам инсонларда тафаккур ўзгаришининг маҳсули бўлган.

Ҳикматулла ЗАРИПОВ, пенсионер:

— Эй болам, бугунги озодлик қадрига 30-йилларда яшаган одам етади. Ҳамон эсимда, ўшанда қўшнимизнинг уйидан араб имлосида ёзилган китоб топилган эди. Бечоранинг оёғини ерга теккизмай олиб кетишган ва шу билан уйига қайтмаган. Бугунчи? Қизиқиб кўрсанг, деярли ҳар бир хонадондан Қуръони карим, Ҳадиси шарифни топиш мумкин. Бу инсон учун сув ва ҳаводек зарур бўлган эътиқоднинг қайтгани эмасми?

Ҳамшаҳарларимиз сўзларини Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ ёзиб олди.

Тадбиркорлик

СИФАТЛИ ЁРЛИҚЛАР ТАЙЁРЛАШАДИ

«Савдо нашриёти» кичик корхонаси «Ўзбексавдо» акционерлик компанияси қошида ташкил этилган. Унинг фаолият кўрсата бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Корхона республика миқёсидаги барча савдо ташкилотлари учун юқори сифатли ёрлиқлар ишлаб чиқаради.

— Биз даставвал бозорни ўрганишга ҳаракат қилиб, яхши маҳсулот чиқарадиган дастгоҳлар иши билан танишдик, — дейди кичик корхона раҳбари Сирожиддин Хўжаев. — Бу кузатишни 1994 йилда бошлаб 1996 йилгача давом эттирдик. Малакали ходимлар тўплаб, Германиядан «Планета» номли тўрт хил рангдаги рангли босма ишларини амалга оширадиган дастгоҳ келтириб ишга туширдик. Ҳозирги кунда мана шу дастгоҳ 60 нафар фуқарони иш билан банд қилиб турибди. Иш бир сменада ташкил этилган бўлсада, аммо барча буюртмаларни жуда тез ва соз қилиб бажарамиз. Бизда бажарилиши керак бўлган ишлар узоғи билан икки ҳафтада амалга оширилади. Рассом-дизайнчи Анвар Солижонов ҳар бир буюртма устида алоҳида иш юритиб, ёрлиқда акс этадиган суратларни жуда синчковлик билан кузатади.

Савдо тармоқларида учрайдиган барча қадоқланадиган маҳсулотларнинг қутичалари, шиша ва темир идишларга ёпиштириладиган ёрлиқларнинг барчаси шартнома асосида амалга оширилади. Агар номма-ном санаб ўтадиган бўлсам Тошкент шаҳридаги «Лола» атир-упа, «Роҳат», «Шифобахш булоқ» акционерлик жамиятлари, «Тошмаргёғ», Гулистон, Урганч ёғ-мой комбинатлари, «Шаҳрисабз» вино-сув заводлари, «Конмят» қўшма корхонаси вафли, печенье учун, Самарқанддаги «Bravo-SVT» қўшма корхонаси музқаймоқ учун ғилоф, чой қадоқлаш фабрикаси чойларга қутичалар, «Намангангўшт» акционерлик жамияти колбаса, пишлоқни қадоқлаш учун махсус рангли-суратли буюртмалар беришаётир. Уларнинг ҳар бири алоҳида дизайн асосида тайёрланади. Биз ўз мўлжалимизда иш юритсак бир кунда 1 миллион дона ёрлиқларни тайёрлаб бера олиш имкониятимиз бор. Мана шу имкониятимизни янада кенгайтириш учун янги 4 хил рангда бўёқ бера оладиган дастгоҳни ўрнатиш ва тез кунда ишга тушириш мақсадида турибмиз.

Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз қаторига йиллик тақвим, «Ғалла — Алтег» қўшма корхонаси томонидан янги буюртмалар қўшилди. Шунингдек буклетлар, таклифномалар учун ҳам буюртмалар олаяпмиз. Ўтган йили мустақиллик кунини нишонлаш арафасида «Савдогар» газетасини рангли нусхада чиқаришга муваффақ бўлдик. Бу биз учун синов бўлган бўлса, ҳозирги кунда кичик ҳажмдаги газеталарни рангли нусхада босмадан чиқаришга тўлиқ шароит бор. Бу ишларни амалга оширишда барча ходимларнинг тинмай изланишлари ва саъй-ҳаракатлари зиёда бўлаётир. Бизлар янада замонавий, сержило ёрлиқлар ишлаб чиқаришга ҳаракат қилаяпмиз. Чунки маҳсулотнинг ташқи гўзаллиги ҳам савдода жуда катта роль ўйнайди. Мақсадимиз рангли-суратли қоғозларга ўралган, бежирим қутичаларга қадоқланган сифатли маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқишга ҳисса қўшишдан иборатдир.

Гулзода МАМБЕТОВА.

СУРАТДА: «Савдо нашриёти» кичик корхонасида тайёрланган маҳсулотлар.

Рустам Шарипов олган сурат.

Саноат

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА

Янги, замон талаби даражасидаги маҳсулот тайёрлай оладиган технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш билангина жаҳон бозоридан муносиб ўрин олиш мумкинлиги ҳозирда ҳар бир тадбиркор ва ишбилармон раҳбарга сир эмас.

Бугунги китоб ва журналларга, газеталарга талаб ошиб бораётган даврда матбаа саноатида ҳам бу яққол намоён бўлмоқда. Бу борада Англиянинг «Алрис» компанияси ҳамда Давлат матбуот қўмитаси, Тошкент матбаа комбинати ва «Ўзбекистон» нашриёти таъсисчилигида ташкил топган «Растр» қўшма корхонасида муайян муваффақиятларга эришилмоқда. 1000 дан ортиқ турдаги матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган бу корхонанинг фаолият кўрсатаётганига бир йилдан ошган бўлсада, унинг хориж давлатларининг кўпчилигида ўз харидорлари борлиги кишини қувонтиради.

Корхонага Германиянинг таниқли «Хелдерберг» фирмасидан келтирилган янги жиҳозлар ўрнатилганлиги, бу дастгоҳларда малакали мутахассисларнинг фаолият кўрсатаётганлиги сифатли ҳамда рақобатбардош маҳсулот тайёрлаш имкониятини бермоқда.

— Цехларимиздаги барча ишлар компьютерлашган, — дейди ўзбек-британ қўшма корхонасининг директори Рўзимат Сафоев. — Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизнинг тури тобора ортиб бормоқда. Бунинг боиси биз нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам ўзимизнинг доимий мижозларимизга эгамиз. Ўтган йили улардан 100 минг долларлик буюртма олдик. Шунингдек, Америка компанияси билан ҳамкорликда Ҳамдўстлик давлатлари учун реклама маҳсулотлари ишлаб чиқаришга шартнома туздик, Канада, Исроил, Голландия, Туркия, Россия, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистон мамлакатлари билан алоқаларимиз мустаҳкамланмоқда. Буюртмаларнинг ортиб бораётганлиги ишлаб чиқаришни янаям кенгайтиришга сабаб бўлмоқда.

Шу мақсадда қўшма корхона ҳудудида 1,5 гектарни эгаллаган майдонда китоб-журнал маҳсулотлари фабрикаси қурилмоқда. У келгуси йилнинг биринчи чорагида ишга туширилади. Бу фабрикада биринчи навбатда мактаб дарсликлари сифатли қилиб чоп этилади. Шу билан бирга ишчиларнинг малакасини оширишга ҳам муҳим эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда яқин кунларда бир гуруҳ ишчиларни Германияга малака оширишга юбориш кўзда тутилган.

Қўшма корхонада 120 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи фаолият кўрсатади. Уларнинг барчаси саралаб олинган бўлиб, ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришади. Ўтган йилда 110 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, бу йил ундан анчагина улканроқ ютуқларга эришилади. Чунки бугунги кундан тушаётган буюртмалар шундан далолат бермоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА.

СУРАТЛАРДА: қўшма корхона директори Рўзимат Сафоев (чапда) ва босма цехи раҳбари Рамил Абдуллаев тайёр маҳсулотларни кўздан кечирмоқда; оператор Исроилжон Турғунов ўз ишининг устаси саналади; цехдаги қизғин меҳнат жараёни.

Рашид Галиев олган суратлар.

Ёз—98

ҚУВНОҚЛАР ДАВРАСИДА

Пойтахтимизнинг Юнусобод даҳасида соя-салқин, сўлим боғлар бағрида «Сувсоз» трестининг «Зилола» соғломлаштириш оромгоҳи жойлашган бўлиб, болаларнинг севимли дам олиш масканига айланган. Ёзнинг сўнгги ойида бу ерда 314 нафар бола мароқли ҳордиқ чиқармоқда.

Оромгоҳда «Алло, иқтидорларни излаймиз», тарих, табиат, доривор ўсимликлар, географияни ўрганишга хизмат қилувчи «Ўзбекистон бўйлаб қувноқ экспресс», зеҳнининг ўткир бўлишига, болаларни аҳилликка чорловчи «Шерлок Холмс изидан» деб номланган ўйинлар болалар учун ғоят севимли машғулотлардан бирига айланган. Эртакларнинг сеҳрли оламига етакловчи, сув билан ошно бўлишга чорловчи театрлаштирилган «Нептун» байрами, болаларнинг рақс, қўшиқ айтиш бобидаги истеъдодини намойиш этувчи «Зилола гўзали» кўрик-танлови, «Чингачгук—бизнинг меҳмонимиз» ўткир зеҳнлилар, чаққонлар, эпчиллар мусобақасида болалар завқ-шавққа тўлиб иштирок этмоқдалар.

«Экология ва биз» театрлаштирилган, эртаксифат байрам тадбирида болалар ўсимликларнинг тилидан ҳикоя қилиб, уларнинг табиат ҳақидаги хаёлотлари намоён бўлади. «Мен ва менинг оилам» тадбири оила йили муносабати билан театрлаштирилган бўлиб, болалар ўз оиласи ҳақида ҳикоя қилиб, ҳар бир отряд бир оиладек аҳил эканлигини намойиш этади.

— «Сувсоз» трестининг маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг раҳбариятидан кўрсатилаётган беғараз ёрдамдан миннатдормиз. «Зилола» оромгоҳининг ютуғида «Сувсоз» трестининг муносиб ҳиссаси бор, — дейди оромгоҳ бошлиғи Г. Абдужабборова миннатдорчилик билан. — Болаларнинг дил сўзларини эшитиш, улар билан суҳбатлашиш кишига завқ-шавқ бағишлаб, гоҳида ўйлантиради, гоҳида умидбахш туйғуларни уйғотади. Чунки уларнинг беғубор қалбларидан холисона, ҳаққоний фикрларни эшитамиз.

Улуғбек ПЎЛАТОВ.

Матбаа

МАЪНАВИЯТЛИ ХАЛҚ — БУЮКДИР

Мустақиллигимизнинг 7 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси фан ва техника давлат қўмитаси республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ҳамда Тошкент фармацевтика институти ижодий ходимлари ҳамкорлигида тарих фанлари номзоди, элшунос олим Билол Аминовнинг «Ҳикмат — ибрат» тавсияномаси чоп этилди.

Ушбу тавсияномада умуминсоний ва миллий қадриятларимиз гултожиси бўлган халқ донишмандлиги — дурдона ҳикматшунослигини кенг оммага етказишнинг шарқона услуби ёритилган.

Узоқ тарихи ва маънавияти бўлган ўзбек халқи таълим-тарбияга оид бой меросга эга. Истиқлол туфайли барча қадриятларимиз калити қўлга тегди. Эндиликда зукколик билан ана шу табаррук ва азиз, ҳаётий ва бебаҳо «олтин мерос»ни оча билиш, англаб қалбга жойламоқ лозим.

Миллий қадриятларимизнинг жонкуяри, ибратли рисолалари билан халқимизнинг олқишига сазовор бўлаётган Билол Аминов давримизнинг энг долзарб муаммоларидан, яъни ҳикматларни ёшлар томонидан ўзлаштиришнинг тезкор усуллари ва уларнинг ечими устида ўзига хос тадқиқот олиб бориб, эзгу ишга қўл уриб «Ҳикмат—ибрат» тавсияномасини маърифий ишларимизнинг янги шарқона усулини яратди.

Ҳикмат — бизнинг руҳий таянчимиз. Шундай экан, таълим тўғрисидаги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилаётган ҳозирги даврда «Ҳикмат — ибрат» тавсияномаси халқимиз орасида кенг оммалаштирилса, маънавият бўстонимиз янада гўзал бўлади. Зеро маънавиятли халқ — буюкдир.

Маъмура РЎЗИЕВА.

Жаҳон иқтисодиёти даҳолари

«ҲУНДАИ»НИНГ ДАДИЛ ҚАДАМЛАРИ

Жанубий Кореянинг йирик иқтисодий тизимлари деганда кўз олдимизга аввало «ДЭУ» корпорацияси келади. Ҳолбуки, бу мамлакатда қудратли иқтисодиёт аждаҳолари талайгина. Шулардан бири «Хундаи» корпорациясидир.

«Хундаи» 12 та катта компаниялардан иборат. Булар ичида металлургия, пўлат ишлаб чиқариш, станоксозлик, нефтни қайта ишлаш заводлари, кемасозлик, машинасозлик, жаҳонда етакчи ўринларнинг бирини эгаллаб турган электроника, электротехника, автомобилсозлик, молия, енгил саноат ва бошқа соҳалар бор. «Хундаи» автомобилсозлик билан атиги 27 йилдан бери шуғулланади. Аввалига «Форд» фирмаси автомобилларининг қисмларини олиб келиб, йилига 5 минг енгил автомобиль ҳамда 2 мингта «Кортине» юк автомобилларини йиғиб чиқарди. Бир неча йиллардан кейин корпорация автомобилсозлари ўзларининг «Хундаи — Пони» моделини 1975 йили 50 минг дона чиқариб, шу кунлари порт шаҳри — Ульсонда жойлашган заводида йилига бир миллионга яқин автомобиллар чиқармоқда. Ушбу корхонада 30 мингдан ошиқ одамлар ишлайди.

Жанубий Кореяда бир неча автомобилсозлик корхоналари бор, лекин «Хундаи» булар ичида энг каттаси ҳамда ёшидир. Ульсон портида «Хундаи» заводининг ўз кемалари тўхтайдиган жойи ҳамда махсус автомобиллар ташийдиган улкан кемалари бор, бу кемалар жаҳоннинг 250 жойида автомобиль сотувчи марказларига маҳсулотни етказиб беради. Бундай марказларнинг катталари АҚШ, Канада, Франция, Италия, Германияда жойлашган. «Хундаи» йилига камида 7 миллиард доллардан ортиқ нархда автомобиллар сотади, бунинг 6 миллиард доллардан ошиғи чет элларга сотилади.

Бугун «Хундаи» ўзининг йирик илмий, лойиҳалаш марказига эга бўлиб, бу марказлар янги охирги лойиҳалаш компьютерлар тизими билан жиҳозланган. Буларнинг барчаси янги моделларни тезда яратиш ва синашни тезлаштиради. Шунинг учун у автомобиллар ишлаб чиқаришда жаҳонда 13-ўринда туради. Бу ўринни қисқа вақт ичида эгаллаш осон эмас, шунинг учун «Хундаи» жаҳон автомобилсозлари етакчилари билан ҳамкорликда, яъни уларнинг амалий ёрдами туфайли, тинимсиз билимларини ошириб, энг юқори сифатли дизайнлар яратиш, лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришни тезда йўлга қўйдилар. Дизайнни яхшилаш учун 1971 йили италиялик таниқли дизайнер Жоржетто Жуджерони таклиф қилдилар ва ўзларининг биринчи «Пони» русумли енгил автомобилини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар.

Лекин кореялик дизайнчилар кейинроқ ўз дизайнларини яратиб, Ғарб ва Шарқ услубига мослаштирдилар. Корея автомобилларини ўз кўринишлари билан тезда таниш мумкин. Яъни ўзига хос бежиримлик, жимжимадорлик, мураккаб шакл, кузовида кўплаб хромланган қисмлар. «Хундаи» автомобилсозлари АҚШнинг қаттиққўл экологик меъёрларини амалда татбиқ қилмоқдалар. Жаҳон автомобилсозлигида кейинги йиллари яратилган янгиликлар «Хундаи» автомобилларининг юқори ҳамда ўрта классли автомобилларда ўз аксини топди, яъни марказий инфрақизил калит ишлатиш. Бунда автомобилларга тегмасдан барча эшиклари очилади, бошқариш чамбарагининг қиялигини ўзгартириш ҳамда бошқариш тизимини гидравлик усулда бошқариш мумкин. Мазкур усулда автомобилнинг олдинги ғилдираклари турган жойида ҳаракатсиз чапга ёки ўнгга тезда автоматик равишда бурилади. Бу автомобилни осонгина тўхтатиш ҳамда кичик тор кўчада ҳам ортга бемалол қайтариш имконини туғдиради.

Ҳозирги замон автомобилсозлигида электроника кенг ўрин олмоқда ва бу соҳадаги электроника фирмалари ўртасида кескин рақобат бормоқда. Лекин «Хундаи» автомобилсозларида қанча енгиллик бор, чунки «Хундаи» гуруҳида ўзларининг «Хундаи электроник» компанияси бор, «Хундаи»нинг биринчи автомобили — «Хундаи Пони» ҳозир ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Энг оммавий, кўп ишлаб чиқариладиган моделлардан бири «Эксель» моделидир, унинг кўплаб модель турлари ишлаб чиқарилади ҳамда мижознинг хоҳишига қараб унинг ранги танланади, ўрнатиладиган қўшимча қулайликлари (салон кўриниши, радио, магнитофон, кондиционер ва бошқалар) бор.

Бу моделга 1,5 литрли двигатель ўрнатилса 90 км масофага атиги 5,7 литр ёнилғи сарфлайди. Ўрта классли «Соната» моделига 99, 104, 17 от кучига эга моторлар ўрнатишади. Бу двигателлар катта йўлда соатига 90 км тезликда атиги 6,3 литрдан 7,4 литргача ёнилғи сарфлайди. «Хундаи» «Хундаи — Граце 12» моделли микроавтобуслар, кўп ўринли ҳамма қулайликларга эга комфортабелли «Аэро-экспресс» моделли автобуслар ва турли ҳажмдаги юк автомобиллари ишлаб чиқаради.

«Хундаи» корпорациясида барча компанияларни корхоналарда тозалик ва ишлаб чиқариш унумли, бир меъёрда олиб борилади. Пўлат қуювчи завод ҳудудида ҳам кўплаб боғлар, гулзорлар барпо қилинган. Бу эса экологик ҳолатни яхшилаш, хизматчиларни янада ҳам яхшироқ ишлашга шароит яратади. У ерда одамлар интизомли, ишни яхши ташкил қиладилар. «Хундаи»даги хизматчи ва ишчиларнинг маоши, тараққий қилган давлатларга қараганда камроқ, бу эса фирмаларга жаҳон бозорида рақобат қилишларига қўл келади. Аммо юқори малакали ишчининг 5 — 6 ойлик маошига енгил автомобиль сотиб олиш мумкин, ўзларининг табиий бойликлари бўлмаса ҳам кореяликлар жаҳон бозорларига дадил қадам қўйиб кириб келмоқда.

Илҳом ШЕРМУҲАМЕДОВ.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳар бир киши ўзининг онг ва шуури, касб фаолияти билан боғламас экан, у келажаги буюк мамлакатимиз учун пойдевор қўйишга ҳисса қўша олмайди. Аввало бу дастурни чуқур таҳлил этиб, уни амалга тадбиқ этувчи шахс бу муаллимдир. Бу ҳужжат ўқитувчидан янгича фикрлашни, услубиётни янги педагогик маҳоратни ўзлаштиришни талаб этади.

Миллий дастур

«ҲУНАР ФАНИ»НИНГ АҲАМИЯТИ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши таълимда янги педагогик технология деган тушунчани тез-тез қўллашга сабаб бўлмоқда. Гарчанд, янги педагогик технология устида кўп педагогик олимларимиз турлича таърифларни берсаларда, ҳали фан оламида бу соҳада аниқ фикрга келинган эмас. Матбуотда, илмий анжуманларда бу борада тортишувлар кетмоқда. Таълим соҳаси ривожланган Япония, Америка, Германия каби давлатларда педагогик технологияга таълим сиёсатининг бош вазифаси сифатида қараб келинган. Хориждаги таълим ютуқларининг бош омили ҳам шунда. Ҳатто ЮНЕСКОнинг расмий ҳужжатларида «Замонавий технология таълимни янгилашда ҳаракатлантирувчи кучдир» деб таъкидланган. Демак, мустақил Ўзбекистонимизда ҳам янгиланаяпган таълим тизимини илғор педагогик технологияларсиз сира тасаввур этиб бўлмайди. Таълимда эски қолиплардан воз кечиш, янги технологияларни ихтиёр этиш замон талабидир.

Маълумки, нафақат таълимга, балки бошқа соҳаларга ҳам технология сўзи жадал кириб келмоқда. Аслида, бу сўз фанга 1872 йилда кириб келди ва юнонча икки сўздан — «технос» — ҳунар ва «логос» — фан сўзларидан ташкил топиб, «Ҳунар фани» маъносини англатади. Албатта, бу умумий тор маънодаги луғавий мазмун. Лекин бу атама кейинги пайтларда шу қадар ҳаётийлашиб кетди. Уни таълимда ҳам қўллай бошлашди. Халқ таълимидаги педагогик технологияни педагогика фанлари доктори, профессор Нурали Сайидаҳмедов жумладан қуйидагича таърифлайди: «Педагогик технология — бу ўқитувчи (тарбиячи) томонидан ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчиларга таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда муайян шахс сифатларини шакллантириш жараёнидир». Ушбу фикрни хилма-хил ғоялар ичида энг мақбули ва оддий ўқитувчига тушунарли деб эътироф этса бўлади.

Педагогик технология нима учун шу қадар кенг тарғиб қилинмоқда? Чунки Кадрлар тайёрлаш миллий дастури жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган, ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялашни асосий мақсад қилиб қўйди. Миллий дастур эса шунчаки бажарилиши лозим бўлган ҳужжат эмас, балки ҳали ҳеч бир мамлакатда муқобили йўқ таълим ва тарбия соҳасидаги биз муаллимларга давлат буюртмаси сифатида қабул қилиняпти. Ривожланган бозор иқтисоди шароитида ягона давлат буюртмаси, таълим стандартигина таълим ва тарбиянинг аниқ мақсад ва вазифаларини белгилаб беради, бинобарин, ўқув жараёнида педагогик технологияга амал қилинишини тақозо қилади. Демак, янгича дунёқараш, теран фикрли комил инсонларни тарбиялаш учун бугунги кунда аввало таълим ва тарбия мақсади, мазмунини замонавийлаштиришга киришилган бўлса, иккинчидан, таълим жараёни, педагог ёки ўқитишнинг техникавий жараёнлари, таълимнинг ташкилий шаклларини ҳам илғор усулларига ўтилаётганлигини кузатиб турибмиз.

Амалга ошириладиган ушбу тадбирлар дастурдаги «Ўтмишдан қолган мафкуравий қарамлик ва сарқитлардан тўла халос бўлиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш» талабларига тўла жавоб беради. Ўйлаймизки, янги ёзилажак ва бугунги кунда янги дастур ва дарсликлар устида ижод қиладиган олим ва мутахассисларимиз замонавий таълим мазмуни халқаро андозалардан ўқув дастурлари, қўлланма ва дарсликларда теран ифодалайдилар. Уларни лўнда ва ўқувчибоп қилиб таълим андозаларида акс эттиришга ишончимиз комил.

Педагогик технология ва янги ахборот технологиялари устида баъзида англашмовчилик бўляпти. Гап шундаки, янги ахборот технологиясининг асосий мақсади таълим тизимини компьютерлаштириш концепциясидан иборат. Ҳар иккала технология бир-бирини тўлдиради. Янги ахборот технологиялари таълим-тарбия жараёнини амалга оширувчи восита бўлиб, уни педагогик технологиядек катта тушунча билан чалкаштириш ярамайди. Педагогик технология катта тадқиқотларга мавзу бўладиган улкан иш.

Ҳадемай, янги ўқув йили бошланади. У янги-янги дастурлар, дарсликлар, муҳим янгиликлар билан бошланиши кутилмоқда. Педагогик технологияни эса шунчаки жўн ўзлаштириб бўлмайди. Бунинг учун муаллим ва тарбиячи тинмай ўз устида ишлаши, олимлар уларни янгиликлар билан таъминлаши, ҳар бир янгиликни тез илғаши ва уни амалга тадбиқ этиши лозим.

Табиийки, янги дарслик, дастурлар билан ишлаш яна бир бор малака ошириш масаласини бош режага чиқариб қўяди. Чунки, етук устозгина ўз устида ишлаб ўқув-тарбиявий жараённи илмий асосда қуришга, ўқитишнинг янги ахборот воситалари, дидактик материалларидан, фаол услубларидан фойдаланиб шогирдлар билан тезликда тил топа олишнинг руҳий заминини ярата олади. Янги педагогик технология билан нафақат фаолият кўрсатаётган муаллимларни, балки бугунги кунда педагогика университети ва билим юртларида таҳсил олаётган минглаб бўлғуси тарбиячиларни қуроллантириш лозим. Зеро, педагогик технологиянинг асосий мақсади ва вазифаси янги услубий маҳоратни ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштиришга қаратилган бўлади.

Бахтиёр КАРИМОВ,
138-мактабнинг олий тоифали муаллими.

Муносабат

ПАРВОЗНИНГ ҚЎШҚАНОТИ

Гапимни «Чимилдиқ»дан бошламоқчиман. Кўпчилик «Нега бундай қиляпсиз, бу томоша эскиди», дейиши ҳам мумкин. Шошманг гап бор... «Чимилдиқ» юзинчи марта қўйилганида (бунга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ) театрдан ташқарида қолган одамлардан бири:

— Юзинчи марта қўйилса ҳам кўролмай қолдима, — деганини эшитдим. «Кейинги сафар қўйилганда кўраман», деб умид билан қайтганлар жуда кўп эди.

Қизиқ ҳолат: бир хил тоифадаги томошалар бор томошабинларга ялиниб ҳам киргизолмайсиз. Бир хил томошаларга эса одам тирбанд. Нега шунақа экан? Ёки спектаклдан спектаклнинг фарқи бўладими? Иккови бир саҳнада ижро этилса, бир актёрлар роль бажарса. Муаллифу режиссёрларнинг номлари машҳур...

Демак, гап муаллифу режиссёрларнинг, актёру театрнинг номдорлигида эмас экан-да, «Чимилдиқ» нега машҳур бўлиб кетди? Нега томошабинлар оғизларидан бол томиб мақташаяпти? Умуман саҳнага қўйилган томоша одамларга нега манзур бўлади ёки ёқмайди? Келинг, қуйидаги дил сўзларига қулоқ солайлик.

— Отахон, саксон ёшга борибсиз. Шу табаррук умрингиз мобайнида неча бор томоша кўргансиз? Эсингизда қолгани борми улардан?

Абдулҳақ ота МИРЗААҲМЕДОВ, меҳнат фахрийси, пенсионер:

— Кўрганман, иним, кўрганман. Бобораҳим Мирзаевнинг, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқовларнинг концертларини кўрганман. Зап томошалар эди-да ўзи ҳам. Кейин Аброр Ҳидоятов ўйнаган «Отелло»ни ҳам кўрганман. Вой-бу, одамлар тумонат йиғиларди. Ўзиям 500 мартадан ортиқ ўйналган-да. Нега беш юз марта ўйналди? Ҳамма гап мана шунда. Ўзбек йигитлари қайноққон бўлади. Рашк демаганинг, иним, бошқа халқларда бир қоп бўлса ўзбекда бир қанор деявер. Ўша ноўрин рашк нималарга олиб келишини кўрсатгани учун ҳам «Отелло»га кўп тушардик. Худди ўзини кўрарди томошабин. Ҳатто биттасининг: «Рашк дегани бало экану, оилада қатъий, мард, фисқ-фужурлардан йироқ бўлиши керак экан-да» деганини ҳали ҳам эслайман. Ҳали шунақангги зўр томоша кўрганим йўқ. Балки ўзим ҳам театрга боролмай қолганим сабабдир бунга.

— «Чимилдиқ»дан кейин номингиз машҳур бўлиб кетди, Эркинжон, пьесани ёзаётганингизда нималарга суянгансиз? Унинг тилларда достон бўлишига нима сабаб?

Эркин ХУШВАҚТОВ, драматург:

— Гапнинг сирасини айтсам «Чимилдиқ» бунчалар машҳур бўлиб кетади деб ўйламовдим. Ўзим болалигимда кўрган-билганларимни қоғозга туширдим, Мунаввара Абдураҳмоновага «Бўш вақтингизда ўқиб қўйинг» деб илтимос қилиб, тақдим этдим. Опа ўқиб чиқибдилар. Катта театрга оламиз дейишди. Лекин ишлайсиз дедилар. Шундай қилиб туб саҳнада қўйилди. Олиқ-солиқ саҳнаси қўйилди. Асосан биринчи пардасини ишладик. Шу томоша ўзбек халқининг удумлари, расм-русумларини кўз-кўз қиладиган, йўқ бўлиб бораётганларини тиклайдиган томоша бўлиши керак», дедилар Ўзбекистон халқ артисти Турғун Азизов. Эътибор берган бўлсангиз «Чимилдиқ»да халқимизнинг барча вилоятларида бор бўлган урфлари омухта бир тарзда ўз аксини топган. Айниқса чимилдиқ ниҳоятда муқаддаслиги, у оиланинг, ор-номусининг ифодаси эканининг саҳнада акс этиши томошабинларга катта таъсир этди. Чунки келаётган томошабин чимилдиқ нима, унга боғлиқ удумлар нима, аҳамияти қанақа яхши билади-да! Хуллас, миллий урф-одатларимизнинг талқини бўлган ушбу томошадан одамлар жуда хурсанд. «Миллий удумларингиз ниҳоятда бой ва ранг-баранг» экан деб олқишлашди мисрликлар ҳам. Миллий театримиз саҳнасида миллий томошаларни кўпроқ ўйналса дейман...

— Абдураимжон, сиз куёвдан розимисиз?

Абдураим АБДУВАҲОБОВ, бош роль ижрочиси:

— Розиман. «Чимилдиқ» миллий, айни пайтда руҳий томоша. Яна бир яхши томони икки актёр учун ўйналадиган, ҳамма жойда ижро этса бўладиган ажойиб томоша бўлди. Томошада ўзбеклар маиший ҳаётининг ҳамма қирралари бор. Ҳамма ўзини кўргандек бўлади.

Томошадан инсоннинг ички кечинмалари ўз аксини топган. Бир йигит, бир қизнинг тақдир иплари боғланиши, оппоқ чимилдиқдан янги бир ҳаёт бошланиши, бу ҳаёт ҳамма учун азизу мукаррамлиги ўзининг аксини топган. Йўқ, бу томошани кулгу учун томоша қилаётганлар жиндек хато қиладилар.

Муаллиф ушбу томошада инсоннинг ички туйғуларини оча билган. Куёвнинг нияти «Севиб, севилиш», келиннинг нияти «шоира бўлиш». Куёвни қандай ўйнашим керак эди? Томошада сиз ўзингизни менинг ўрнимга қўйиб кўринг. Бошқа халқларда билмадим қандай ҳал этилади, лекин Эркин Хушвақтов чимилдиқ бу тақдир эшиги эканини, у бутун бошли ҳаёт остонаси эканини жуда ишонарли очиб берган. Миллий томоша шундай бўлади, деб ўйлайман.

— Сиз ўзингиз яратган келин образини қандай шарҳлайсиз?

Мадина МУХТОРОВА:

— Бу ерда гапириш шартмикин? Келинлик — бу қувонч, айни пайтда, ташвиш, жиндек қўрқинчли. Рози бўлиш... Чунки куёв қандай бўлади, қандай яшайди. Айниқса биринчи парда билан иккинчи парда тамоман ўзгача. Биринчи кўринишда куёв ялинади, иккинчи кўринишда келин. Нега шундай? Чунки бу ҳаёт, бири баланд чиқса, бири паст тушиши керак оилада. Хулоса сўзим шу. Устозларимиз Турғун Азизовга, Мунаввара Абдураҳмоновага раҳмат. Жуда яхши томошамиз саҳна юзини кўрди, ниятим «Чимилдиқ»нинг умри узун бўлсин.

— Ҳамза номидаги театрда 300, 400, 500, 600 марталаб қўйилган томошалар бор. Сиз уларни миллий деб ҳисоблайсизми? «Чимилдиқ» ҳам шу қаторга кирадими?

Ёқуб АҲМЕДОВ, театр директори, Ўзбекистон халқ артисти:

— Ҳа, миллий томошалар эди. «Олтин девор» 300 марта ўйналди. «Парвона» 500 мартадан зиёд ижро этилди. «Келинлар қўзғолони» 500 марта ижро этилди. Уларнинг қўшқаноти, яна таъкидлайман — миллийлик. «Куёв» ҳам улардан кам ижро этилмади. Уларга доимо томошабинларимиз ташриф буюришади. Сабаби улар одамларимиз ҳаётининг бир бўлагидир. Ахир ўз ҳаётингнинг гўзал томонларини, жиндек қизартирадиган нуқсонларини кўриш, фикр этиш қанчалар яхши деб ўйлайман. «Чимилдиқ» ана шундай томошаларимиз қаторига дадил кириб келди.

Киши ўзи суйган ошни ичади. Ниятим, «Чимилдиқ» халқимизнинг суюкли маънавий ошига айлансин. Унинг сафлари тўлсин, кўпайсин...

Миллий томоша сўзи анчайин баҳсли. Миллий томоша фақат кулгудан иборатми дегувчилар ҳам бўлади. Кулгу халқимизнинг буюк қуроли. Не-не заҳматларни кулгу, қаҳқаҳа билан енгган халқмиз. Истиқлолга мос миллий томошалар ҳали ҳам дунёга келгани йўқ. Агар етук миллий асар бўлса халқимиз уни жон-жон деб томоша қилади. Лекин... Ҳамма гап ана шу лекинда чоғи. Театр ҳамжиҳатлиликни севади. Драматург, режиссёр, актёр қўлни қўлга бериб маънан бақувват, долзарб асар яратса, томошабин унга ҳеч қачон эътиборсиз қараган эмас. Шундай эмасми?

Бу ҳақда ўз фикрингизни билдирасиз деган умиддамиз.

Темур УБАЙДУЛЛО.
СУРАТДА: «Чимилдиқ» томошасидан лавҳалар.
Рашид Галиев олган суратлар.

Танловлар

САНИТАРИЯ ПОСБОНЛАРИ БЕЛЛАШДИ

Қизил Ярим Ой жамиятининг тобора анъанага айланиб бораётган бошланғич ташкилотлардаги санитария посбонлари мусобақаси Бектемир туманида бўлиб ўтди. Уша куни тонгдан тумандаги марказий футбол ўйингоҳида карнай-сурнайлар садоси остида мусобақанинг туманлараро илк босқичи бошланди. Мазкур мусобақани Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, фавқулодда ҳолатлар бошқармаси ҳамда Қизил Ярим Ой жамиятлари ҳамкорликда ўтказди.

Унда тумандаги бир нечта корхона ва ташкилотлар билан бир қаторда шу ерда истиқомат қилувчи аҳоли ҳам иштирок этди. Мусобақада иштирок этган командалар бир қатор мусобақа шартларини бажариб, ўзларининг бу борада эгаллаган билимларини намойиш этдилар. Хусусан, фавқулода ҳолатларда биринчи ёрдам кўрсатиш, кимёвий заҳарланишдан фориғ бўлиш, дезинфекция қилиш, санитария тайёргарлиги шартлари шулар жумласидандир.

Шундай қилиб, жамғарилган умумий баллар ҳисобида биринчи ўринни «Сувмаш» корхонаси, иккинчи ўринни «Иргидромаш», учинчи ўринни эса «Ўзсувасбобускуна» корхонаси ҳамда Тошкент автомобиль эксплуатацияси комбинатлари эгаллашди. Мусобақа ғолибларига туман ҳокимлиги томонидан ажратилган фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди, «Сувмаш» корхонаси эса мусобақанинг шаҳар босқичига йўлланма олди.

— Кундан-кунга аҳоли сони ошиб бораётган шаҳримизда яшовчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларга фавқулодда ҳолларда биринчи ёрдам кўрсатиш қонун-қоидаларини ўргатиш биринчи галдаги вазифалардандир, — деди Бектемир туман ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Хайриниса Мирзажонова. — Бугунги ўтказилган мусобақа шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг ҳудудий бўлимлари томонидан ўқитилган 60 соатлик ўқувнинг натижаси деб биламан. Ваҳоланки, улар ўқиш жараёнида назарий билимга эга бўлган бўлса, бугун яна шу эгалланган билимларини амалиётга қандай қилиб тадбиқ этиш борасида ўзларининг маҳоратларини намойиш этдилар.

Очил ҲАЗРАТОВ.

Ўқув йили тараддуди

ДАРСЛИКЛАР ЕТАРЛИ БЎЛАДИ

Ёз тугаб бормоқда. Тез кунларда мактабларда ўқишлар бошланади. Буни мактаб бозорларининг кўпайиб қолганидан ҳам билса бўлади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, шаҳар савдо департаментига қарашли «Ўзтошкитобсавдо» уюшмаси, айрим нашриётлар ташаббуси билан пойтахтимизда китоб-дафтар, ўқув қуроллари билан савдо қилувчи 100 дан ортиқ савдо нуқталари ишламоқда.

— Мактаб бозорлари нафақат йирик савдо ташкилотлари томонидан, балки ҳар бир туманда аҳоли зич жойлашган ҳудудлардаги мактабларда ҳам фаолият кўрсатмоқда, — дейди шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг мактаблар бўлими мутахассиси Жамила Алиева. — Бугунги кунда ўқув қуроллари, мактаб кийим-кечаклари борасида ҳеч қандай муаммо бўлмаса-да, дарсликлар, ўқув қўлланмалари миқдори мавжуд талабларга жавоб бермаётир. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, дарсликларни сотиб олишга ҳар қандай оиланинг ҳам имкони етавермайди. Шунга кўра маҳалла фаоллари мактаб ўқитувчилари билан ҳамкорликда ўша ҳудуддаги кам таъминланган оилаларни аниқлаб, уларни мактабнинг кутубхона фондидан дарсликлар билан таъминлашиши йўлга қўйилмоқда.

Бу борада ҳомийларнинг хизмати катта бўлаётир. Хусусан, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Сергели туманидаги мактаблар учун 80 минг сўм ажратди. Ражабий номли маҳалла ҳам ўз жамғармасидан Яккасарой туманидаги 91-мактабга молиявий ёрдам кўрсатди. Шундай хайрли иш «Камолот» жамғармаси томонидан ҳам уюштирилмоқда. Бу йил шаҳримизда 41 мингта биринчи синф ўқувчиси мактаб остонасига қадам қўяди. Уларга Президент совғаси сифатида 18 турдаги дарсликлар ҳамда ўқув қуролларидан иборат мажмуа тақдим этилади.

— Мактаб дарсликлар ва қўлланмаларни асосан бизнинг нашриёт чоп этади, — дейди «Ўқитувчи» нашриёти директори Абдулла Ҳасанов. — Ҳозирги бозор муносабатларини ҳисобга олиб, бизга дарсликларга мустақил равишда нарх қўйиш ҳуқуқи берилган. Ҳар бир китобнинг ташқи варақи орқасига унинг нархини кўрсатувчи муҳр қўйилган. Савдо ташкилотлари дарсликларни уларда кўрсатилган нархдан оширмай сотишлари даркор. Чунки улар билан тузилган шартномада нашриёт маҳсулоти нархининг 25 фоизи савдо ташкилотларига тегиши кўрсатилган. Бундан ташқари бизда ҳозир олдиндан тўлов усули йўқ, яъни савдо ташкилотлари нашриёт маҳсулотларини сотиб бўлгач, кейин пулини бизга тўлашади.

Нашриёт янги ўқув йили бошланишига қадар зарур бўлган дарслик ва қўлланмаларни чоп этишга улгурадими, деган савол туғилиши мумкин. Гап шундаки, биз Ҳалқ таълими вазирлиги буюртмаси асосида ишлаяпмиз, бунда мактабларнинг кутубхона фондларидаги мавжуд китоблар миқдори ҳам ҳисобга олинган. Чунки улардаги айрим дарсликлардан, масалан, юқори синф ўқувчилари учун мўлжалланган китоблардан ҳали ҳам фойдаланса бўлади. Шунга кўра кутубхона фондлари орқали кам таъминланган оилалар талаблари қондирилгач, бу фондлардан айрим сабабларга кўра дўконлардан дарсликлар харид қилишга улгурмаган ота-оналар ҳам китоблар олишлари мумкин. Бир сўз билан айтганда ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашнинг барча жиҳатлари ҳисобга олинган ва бу борада муаммолар юзага келмайди.

Илмира ЗАЙНУТДИНОВА,
Мурод РАҲИМОВ.

ҚУЙИДА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ КИЙИМ-КЕЧАКЛАРИ ВА ЁЗУВ АШЁЛАРИ СОТАДИГАН САВДО КОРХОНАЛАРИ РЎЙХАТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛЯПМИЗ:

Акмал Икромов тумани

1. «Яшнар» ЖК — Фарҳод савдо растаси
2. «Шуҳрат» ЖК — Чилонзор 11-мавзе
3. «Пўлат-Ю» ЖК — Фарҳод савдо растаси

Бектемир тумани

1. «Соҳиба — Зумрад» ХК — Бектемир шохкўчаси
2. «Сано—Савдо» ХК — «Сувчи» даҳаси
3. «Тошвилояткитобсавдо» дўкони — «Сувчи» даҳаси

Миробод тумани

1. «Космос» ЖК — Мирсолиҳов кўчаси
2. «Тошкент универмаги» АЖ — Ўзбекистон кўчаси, 54-уй
3. «Ҳабибулло Ҳамидулло ўғли» — Нукус — Кафанов кўчаси

Мирзо Улуғбек тумани

1. «Даврон—Достон» ЖК — Буюк Ипак йўли маркази
2. «Маҳмуд» ЖК — Буюк Ипак йўли кўчаси, 67-уй.
3. Улуғбек МУМ» — Улуғбек шаҳарчаси «Мактаб бозори» — Ҳабиб Абдуллаев кўчаси 3-уй олдида
5. «Мактаб бозори» — Ҳабиб Абдуллаев кўчаси, Фотоцвет студияси олдида
6. «Мактаб бозори» — Қорасув 2-мавзе, бозорча олдида

Собир Раҳмов тумани

1. «Соҳибжонҳожи» ЖК — Талабалар шаҳарчаси
2. Файзулла ўғли Беҳзод ЖК — Қорақамиш савдо растаси
3. «Шуҳрат» ЖК — Қорақамиш бозори

Сергели тумани

1. «Ўсмасбек» ЖК — Сергели савдо растаси
2. «Сергели» ЖК — Сергели 7-мавзе

Чилонзор тумани

1. «Чилонзор савдо маркази» ЖК — Чилонзор кўчаси, 55-уй
2. «1000 хил майда моллар» ЖК — Муқимий кўчаси

Ҳамза тумани

1. «Туронгул» ЖК — М. Ҳасанова кўчаси
2. «Ҳамза МУМ» ЖК — Авиасозлар шаҳарчаси
3. «Наргиз» ЖК — Лисунов кўчаси
4. «Ҳожиакбар» ЖК — Жарқўрғон кўчаси, 35-уй.

Шайхонтоҳур тумани

1. «Болалар дунёси» ЖК — Эски Жўва бозори
2. «Ал-Ворис» ЖК — Навоий савдо растаси
3. «Иброҳим» ЖК — Беруний кўчаси, «Марказ—27»
4. «Чорсу универмаги» АЖ — Охунбобоев майдони
5. «Нодира» ЖК — Халқлар дўстлиги, 6-уй.

Юнусобод тумани

1. «Шаҳодат» ЖК — Аҳмад Дониш кўчаси
2. «Файз-94» ЖК — Каблуков кўчаси
3. «Юнусобод Саховат» ЖК — Юнусобод 19-мавзе
4. «Асқаржон-Савдо» ЖК — Каблуков кўчаси.

Яккасарой тумани

1. «Саодат СМ» ЖК — Усмон Носир кўчаси.

XX аср овози
Вильям САРОЯН,
Америка ёзувчиси.

ПИАНИНО

(Ҳикоя)

Вильям Сароян (1908-1981) XX асрда яшаб ижод қилган буюк Америка ёзувчиларидан бири. Агар у тирик бўлганда шу ойда 90 ёшга кирган бўлар эди. В. Сароян кўп қиррали ижодкор сифатида жаҳон адабиётига катта таъсир кўрсатган адиб бўлган. Унинг ижодининг асосий мавзуси хоҳ ҳикоя бўладими, хоҳ роман бўладими, хоҳ саҳна асари, хоҳ қисса, эссе ёки очерк — оддий инсон ҳаёти, унинг кечинмаларини ташкил қилади. Салкам эллик йиллик ижодий фаолияти давомида (биринчи ҳикоясини 1933 йилда ёзган) 15 дан ортиқ ҳикоялар тўпламлари, бир нечта роман ва қиссалар, саҳна асарлари яратди.

Таниқли ўзбек кинорежиссёри Шуҳрат Аббосов ўз ижодий фаолиятини В. Сароянинг «Филиппинлик ва маст» ҳикоясини экранлаштириш билан бошлаган. Ушбу қисқа метражли фильмни кўрган адиб унинг режиссёрига миннатдорчилик билдириб, фильмга юксак баҳо бериб, унга хат ёзади, ёш кинорежиссёрнинг келгусида катта санъаткор бўлишига ишонч билдиради. Дарҳақиқат ҳозир Ш. Аббосов таниқли ўзбек кинорежиссёри, миллий киносанъатимиз ривожига улкан ҳисса қўшган санъаткордир.

Қуйида Вильям Сароянинг ҳикоясини оқшомхонлар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

— Пианинога кўзим тушса, мен доимо ҳаяжонланаман, — деди Бен.

— Ростданми? — ҳайрон бўлди Эмма. — Нега энди?

— Билмадим, — деди Бен. — Дўконга кириб, бурчакдаги анаву пианинони синаб кўрсак нима дейсан?

— Чалишни биласанми? — сўради Эмма.

— Менинг чалишимни чалиш деб бўлмаса керак, — деди Бен.

— Қандай чаласан?

— Ҳозир кўрасан, — деди Бен.

Улар дўконга киришди-да, бурчакдаги кичкинагина пианино ёнига боришди. Беннинг кулиб турганини кўриб Эмма тўсатдан ўйланиб қолди: вақти келиб уни тушуна олармикинман? Уни тушуна оламан деган ниятда мана шундай у билан бирга юравериб, тўсатдан уни сира ҳам тушуна олмаслигини кашф этиб қолсачи. Кичкинагина пианино олдида туриб олиб бошдан оёқ унга разм соларди. «Пианинода яхши чалинган куйларни эшитган бўлса керак, — хаёлидан ўтказди Эмма. — мусиқани севади. Ҳар гал клавишларга кўзи тушганда мусиқа ҳақида эслайди ва унга гўё ўзининг ҳам алоқаси бордай хаёлга боради».

— Чалишни биласанми? — яна сўради у.

Бен унга қаради. Сотувчи, чамаси банд эди.

— Чалишни билмайман, — деди Бен.

Ҳақиқий созандалардек, унинг қўллари секин пианино клавишларига чўзилганини кўриб қолди Эмма. Бу унга шундай ажойиб туюлдики, у ўз ҳиссиётига ҳайрон бўлиб қолди.

Эмма, унинг ёнидаги одам ўзидаги бор нарсани узоқ вақт давомида кашф этиши мумкинлигини, бошқалар эса бунга ундан ҳам кўпроқ вақт кетказишини тўсатдан тушуниб қолди.

Бундай одам, албатта, пианино чалиши керак.

Бен товуши паст бир неча аккордлардан олди. Унинг олдига ҳеч ким келмасди, унга бирор нарса сотишни ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмасди. Тик турган Бен клавишларга сал тегиши билан ундан шундай оҳанглар чиқардики, унинг таъбири билан айтганда, буни пианинода чалиш деб бўлмасди.

Ниҳоят у тушунди: бу жуда соз-ку!

У бор-йўғи ярим дақиқа чалди холос, сўнгра унга қарадида, деди:

— Товуши яхши экан.

— Менга унинг товуши сен чалганинг учун яхши чиққандай туюлди, — жавоб берди Эмма.

— Қуйсангчи, менинг нима алоқам бор? — ҳайрон бўлди Бен. — Мен пианино ҳақида гапираяпман. Мен асбобнинг ўзи ҳақида гапираяпман. Товуши чиройли экан, айниқса шундай кичкина пианино учун.

Унинг олдига кекса сотувчи келди.

— Салом.

— Салом, — деди Бен. — Ажойиб пианино экан.

— Ҳа, бу асбобга талаб катта, айниқса уйда чалиш учун. Биз ундан кўп сотаяпмиз.

— Қанча туради? — сўради Бен.

— Икки юз қирқ тўққиз доллар, аниқроғи эллик, — деди сотувчи. — Бир неча муддатда тўласа ҳам бўлади.

— Уни қаерда ясашади? — сўради Бен.

— Аниқ айтолмайман, Филадельфияда бўлса керак, билиб беришим мумкин.

— Безовта бўлманг, — Бен уни тўхтатди. — Ўзингиз чаласизми?

— Афсуски, йўқ, — жавоб берди сотувчи.

Бен яна бироз пианино чалишни хоҳлаб турганини сотувчи сезди.

— Марҳамат, —деди у. — Яна чалақолинг.

— Мен чалишни билмайман, — деди Бен.

— Қандай чалганингизни эшитдимку, — ҳайрон бўлди сотувчи.

— Шу ҳам чалиш бўлдими? Мен биронта ҳам нотани ўқий олмайман.

— Менга эса зўр чаладиганга ўхшадингиз, — деди сотувчи.

— Менга ҳам, — деди Эмма. — Унинг учун бир йўла қанча тўлаш керак?

— Ҳа, бундай денг! — шошиб қолди сотувчи.

— Қирқ ёки эллик долларга яқин.

— Яна бирор нарса чалиб беринг, — илтимос қилди сотувчи, — Эшитгим келаяпти.

— Агар пианином бўлганда, — деди Бен, — унинг олдидан соатлаб кетмасдим.

— Яна чалиб беринг, — жилмайди сотувчи. — Ҳеч ким қарши бўлмайди.

Сотувчи унга стул қўйиб берди. Бен ўтирди-да клавишга қўл урди. Унинг ҳаракатларини ҳали созанда ҳаракати деб бўлмасди. У ўн беш ёки йигирма сония клавишлар устида сайр қилди, сўнгра бир оҳангни топиб уни икки дақиқагача ушлаб турди. Охирида мусиқа оҳиста, мунгли бўлиб қолди. У оҳангни кучайтирди, Бен чалиш билан бирга сотувчи билан унга ёқиб қолган пианино ҳақида сўзлашар эди. Кейин у чалишни тўхтатдида, ўрнидан турди.

— Раҳмат, — деди у. — Буни сотиб олишни жуда ҳам хохлардим.

— Раҳмат айтишга арзимайди, — жавоб берди сотувчи.

Бен ва Эмма дўкондан чиқишди.

Кўчада Эмма деди:

— Қара, мен билмаган эканман-а, Бен.

— Нимани?

— Сен ҳақингда.

— Айнан нимани?

— Шундай эканлигингни, —секин товуш чиқарди Эмма.

— Ҳозир тушлик вақт, — жилмайди Бен. — Мен кечалари пианином бўлса деб орзу қилишни яхши кўраман.

Улар кичкинагина ресторанга киришди-да бутерброд ва қаҳва буюришди.

— Сен чалишни қаердан ўргангансан? — сўради Эмма.

— Мен ҳеч қачон чалишни ўрганмаганман, — деди Бен, — лекин қаерда бўлмай пианино кўриб қолсам, албатта уни чалиб кўришга ҳаракат қиламан. Болалигимдан шундай қиламан. Балки пулим бўлмагани учун бўлса керак.

У қизга қаради-да жилмайиб қўйди. У пианино олдида клавиатурага қараб турганда қандай жилмайган бўлса, ҳозир ҳам худди шундай жилмайиб турарди. Эмма ўзини ўта бахтли ҳис этди.

— Агар одамда ҳеч қачон пул бўлмаса, — деди Бен, — унинг назарида, ҳаққоний равишда унга тегишли бўлган кўпгина нарсалардан у маҳрумдай бўлиб туюлади.

— Балки шундайдир, — рози бўлди Эмма.

— Бир томондан, — давом этди Бен, — бу яхши нарса, аммо бошқа томондан — деярли яхши эмас. Тўғрисини айтганда, жуда ёмон.

У яна қизга қаради, худди ўша пайтдагидек, ўшанда у қандай жилмайган бўлса қиз ҳам унга қараб худди шундай жилмайди.

Қиз тушунди. Пианино билан ўзини қандай ҳис қилган бўлган бўлса, у билан ҳам ўзини шундай ҳис қилар эди. Унинг ёнида у соатлаб ўтириши мумкин, қиз ўзини ҳақиқатан ҳам бахтли ҳис этди. Улар ресторандан чиқишдида, икки квартал, қиз ишлайдиган универмаггача пиёда юришди.

— Хайр, —деди у.

— Хайр, Бен, — деди Эмма.

У кўчадан пастга қараб кетди, қиз эса универмагга кирди. Аммо Эмма биларди, нима бўлишидан қатъий назар, бир кун эмас, бир кун нафақат ўз пианиносига, балки қолган бошқа нарсаларга ҳам албатта у эга бўлади.

Анвар ЁҚУБХЎЖАЕВ таржимаси.

Гарчи ёз фасли охирлаб қолган бўлсада ҳамшаҳарларимиз учун дам олиш палласи ҳамон давом этмоқда.

Равиль Альбеков ва Темур Қурбонбоев олган суратлар.

Қаҳқаҳа

МАТОНАТ

— Менинг эрим чекишни ташлади.

— Ў-ҳў! Демак, матонатли экан-да.

— Қаёқда! Мен матонатли эканман.

ЖЎЯЛИ МАСЛАҲАТ

Бир аёл бақбақани қандай қилиб йўқотиш тўғрисида маслаҳат беришни сўраб, газетага хат ёзди. Хатнинг охирига эса эркак кишининг номини ёзиб имзо чекди. Кўп ўтмай газетадан жавоб келди:

«Соқол қўйинг».

ШУБҲА

— Хотинингизнинг асаб касалига учрагани албатта кўнгилсиз воқеа, лекин асло хавотир олманг, у шу ҳолида ҳам юз йил яшайди.

— Мен-чи?

АНИҚ ЖАВОБ

— Бугун шифокорга хотирам ёмонлигини айтдим,

— Хўш, у нима деди?

— Олдиндан пулини тўланг, деди.

ЁНЯПТИ

— Алло, дўхтир, тезроқ келинг! Эримнинг иссиғи қирқ беш даражага чиқиб кетди.

— У ҳолда тиббиёт чорасиз. Ўт ўчирувчиларга қўнғироқ қилинг.

ИТ БИЛМАСДИ-ДА

— Менинг кечқурун олтидан саккизгача қабул қилишимни наҳотки билмасангиз.

— Мен-ку билардим-а, лекин мени қувган ит билмас экан-да.

НИМА ҚИЛСАМ ЭКАН?

— Алло, «Тез ёрдам»ми? Болам қум еб қўйганди. Мен унга сув бердим. Энди нима қилишим керак?

— Кўз-қулоқ бўлиб туринг, яна цемент еб қўймасин.

КАСАЛ ЭМАСМАН

— Сизнинг ҳам бод касалингиз борми?

— Йўқ, куёвим курортлар бошқармасида ишлайди.

ҒАЛАТИ ХУЛОСА

Шифокор беморнинг томир уришини текшириб бўлгач, ҳамкасбига деди:

— Ё менинг соатим тўхтаб қолган, ё у аллақачон ўлган.

Тўпловчи: Абдулла ТОЛИПОВ.

Ҳикматлар

УЙИНГНИ ХОТИН МЕҲРИ ОБОД ЭТАР

❖ Қиз боланинг жамики бойлиги — унинг номуси, бу бойлик ҳар қандай меросдан ҳам қимматлидир.

В. Шекспир.

❖ Кўча севгиси уйни барбод этар,
Уйингни хотин меҳри обод этар.

Саъдий.

❖ Аёлсиз ҳаёт тонги ва оқшоми заиф, кундузи эса ғамгин бўлиб қолар эди.

П. Бауст.

❖ Токи ер юзида биттагина аёл мавжуд экан, у ҳақида ҳамиша нимадир янги гап айтиш мумкин.

С. Буффлер.

❖ Аёлларга хос ўлмас назокат яхши эркакларга ҳамиша қанот бағишлаб келган.

Р. Роллан.

❖ Эркакларнинг ишончидан кўра аёлларнинг гумони кўпроқ тўғри бўлиб чиқади.

Р. Киплинг.

❖ Аёллар асабларимизни, ортиқча шахсиятпарастлигимизни юмшатади, улар бизга қайдан бунёд бўлганимизни эслатиб туришади.

М. Баррес.

❖ Аёл севгисидан мусаффо бўлмаган, унинг мардлигидан мадад олмаган ҳамда камтарона йўриғига юрмаган одам ҳақиқий ҳаёт кечирмаган ҳисоб.

Ж. Рескин.

❖ Севимли аёлнинг хатоки қаҳри ҳам биз бахтли дамларимизда бошқа аёллардан топишимиз маҳол бўлган чексиз жозиба билан тўлиб-тошгандир.

Стендаль.

❖ Аёлларни севинг ва иззат қилинг: улардан фақат юпанч эмас, балки илҳомингизга куч, маънавий ва ақлий қобилиятларингизни икки баравар оширувчи қудрат ахтаринг.

Ж. Мадзини.

Шуҳратхон ИМЯМИНОВА тайёрлади.

Бош муҳаррир ўринбосари Солиҳ ЁҚУБОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ШАҲАРЛАРАРО ВА ХАЛҚАРО АЛОҚА ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ АБОНЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Сизнинг эътиборингизга айрим мамлакат ва шаҳарлар рақамини теришда юз берган ўзгаришларни ҳавола этамиз.

1. КИПР. Абонентларнинг телефон рақамлари ўзгарди:

	Жорий диапазон рақамлар	Ўзгарган диапазон
Никосия	310XXX 470XXX	701XXX 702XXX
Лимасол	3802XX, 3803XX 3807XX 380410—380439 380510—380549 380600—380629	705XXX
Пафос	3202XX	706XXX

2. ПОЛЬША. Варшавадаги абонентлар телефон рақамлари ўзгарди:

Мамлакат коди	Шаҳар коди	Абонентнинг эски рақами	Абонентнинг янги рақами
48	22	25XXXX	825XXXX

3. ИТАЛИЯ. Рақамлаштириш режаси ўзгарди: мамлакат кодини тергандан сўнг «О»ни қўшган ҳолда чақириладиган шаҳар ҳудуди кодини териш лозим.

Мамлакат коди	Рим шаҳри (ҳудуд коди)	Телефон №
Бўлганди 39	6	XXXXXX
эндиликда амалда 39	06	XXXXXX

4. ИСПАНИЯ. Испания шаҳарларига рақам териш тартиби ўзгарди (мамлакат коди—34). Чақириладиган шаҳар кодидан олдин «9» рақамини териш лозим.

Масалан:

Мадрид: 34+1+XXXXXXX ўрнига
34+91+XXXXXXXни териш керак.
Сарагоса: 34+76+XXXXXX ўрнига
34+976+XXXXXXXни териш керак.

5. СУДАН. Тошкент шаҳри абонентлари учун Судан мамлакатига автоматик телефон алоқаси очилди:

Чиқиш тартиби: 8+10+249+абонент №.

6. ОЗАРБАЙЖОН. «994» халқаро кодига ўтди.

Териш тартиби: 8+10+994+XXXXXXX.

7. ТУРКМАНИСТОН: териш тартиби ўзгарди:

Небитдоғ: эскиси 8+993+2+43XXXXX
янгиси: 8+993+2+22XXXXX
Туркманбоши: эскиси: 8+993+2+22XXXXX
янгиси: 8+993+2+43XXXXX

8. Тошкент шаҳридаги абонентлар учун **Сурхондарё вилояти туман марказларига** автоматик тарзда чиқиш имконияти ташкил этилди:

Қорлуқ: 37647+№ АТС
спр: 510111, 51222
Сариосиё: 37648+№ АТС
спр: 22370.

9. Шаҳарлардаги маълумот хизматининг ўзгарган телефон рақамларига эътиборингизни қаратинг:

	эски рақами	янги рақами
Львов	722222	9909111
Мурманск вилоятининг Апатити шаҳри	13111	75007
Харьков вилоятининг Красноград туман маркази	73333	72246
Ханти-Манси округининг Сургут шаҳри	332222	369222

Очиқ турдаги «TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOGI» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ.

Очиқ турдаги «TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOGI» ҳиссадорлик жамияти дирекцияси эркин савдода сотилиши лозим бўлган акцияларни харид қилиш имконияти мавжудлигини муайян инвесторлар эътиборига ҳавола этади.

Битта акциянинг номинал қиймати — 1000 сўм.

Манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар қуйидаги манзилда жойлашган очиқ турдаги «TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOGI» ҳиссадорлик жамиятининг дирекциясига ўз таклифлари билан мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри, 700060, Миробод кўчаси, 17. Алоқа учун телефон: 133-45-19.

Очиқ турдаги «TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOGI» ҳиссадорлик жамияти фойда кўриб ишлаётган алоқа корхонаси бўлиб, унинг акцияларини олиш сизга сармоянгизни ишончли жойлаштиришга кафолат беради.

Очиқ турдаги «TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOGI» ҳиссадорлик жамияти.

Тошкент оқшоми
Toshkent oqshomi

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар – 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 209

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-0237. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. 1 2 3 4 5 6. ❖ «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.